

Атокли шоир, носир ва драматург, Хамза номидаги Республика Давлат мукофоти лауреати Аскад Мухтор 1920 йили Фаргона шахрида темир йўл ишчиси оиласида тугилди. У 11 ёшида отасидан етим қолиб, болалар уйида тарбияланган. Мактабни тугатгач, Аскад Мухтор Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат университетига (1938) кириб ўқиди. Сўнг Андижон педагогика институтида ўзбек адабиёти кафедрасининг мудири бўлиб ишлади.

Аскад Мухторнинг Тошкентга келиши унинг фаолиятида янги саҳифа очди. У «Ёш ленинчи» (1945), сўнгра «Кизил Ўзбекистон» рўзномасининг муҳарририятларида бўлим мудири, масъул котиб, «Шарк юлдузи» ойномасида (1960—1965) бош муҳаррир, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси котиби (1957) бўлиб ишлади. «Гулистон» ойномасида, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» хафталигида бош муҳаррир бўлиб ишлади.

Аскад Мухтор «Тилак», «Тонг эди», «Тотли дамлар» сингари илк шеърлари (1935—1938) да поезиянинг максад ва вазифасини, шоирнинг жамият олдидаги бурчини аниқлаб олишга интилди. У поезияга «Калбга канот», «дардга даво» берувчи деб қарайди. Шоир Улуг Ватан уруши бошланиши билан «Галаба ишончи», «Жангчининг байрам кечаси», «Тугишганлар қайтди», «Согиниш», «Москванинг калби» сингари катор поетик асарлар яратиб, халқни фашист босқинчилари устидан галаба қозонишга ундади. Ватан гўзалликларини, туганмас бойликларини, халқ ҳаётидаги катта ўзгаришларни тасвирловчи «Пўлат қуювчи» (1947), «Хамшахарларим» (1949), «Раҳмат, меҳрибоним» (1954), «Чин юракдан» (1956) шеърый китоблари шоирнинг катта ижодий ютуқларидандир.

Аскад Мухторнинг «Мардлик чўккиси» (1948), «Яхшиликка яхшилик» (1949), «Самандар» каби пьесалари драматургиямизда болалар ҳаётининг, шунингдек, ишчилар синфи турмушининг ёритилиши жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга.

Ёзувчининг «Дарёлар туташган жойда» (1950), «Қорақалпоқ қиссаси» (1958), «Бухоронинг жин қўчалари» каби қиссалари, «Опа-сингиллар» (1954—1955), «Тугилиш» (1963), «Давр менинг тақдиримда» (1964), «Чинор» (1973) романларида замонанинг муҳим муаммолари ўз ифодасини топган.

«Чин юракдан» (1956) шеърый китоби, «Ҳаётга қақир» (1956), «Дунё болалари» (1962) ҳикоялар тўплами ўзбек болалар адабиёти хазинасини бойитди.

«99 миниатура», «Қарвон қўнғироғи» шеърый китоблари 60-70-йиллар ўзбек Шўро шеъриятида катта воқеа бўлди. Уларда инсон қалбининг товланишлари чуқур интеллистуал ҳис-туйғу воситасида бадиий барқамол талқин этилган.

Аскад Мухтор таржимасида Софокл, Тагор, Пушкин, Лермонтов, Маяковский, Горкий, Шевченко, Блок, Корнейчук, Павленко асарлари ўзбек китобхонларининг маънавий мулкига айланди.

Лирик шоир, танikli адиб, мохир таржимон сифатида Аскад Мухтор маданиятимизни бойитишда ўзининг муносиб хиссасини кўшиб келаётган ижодкорлардандир.